



## Бунёдкорлик салоҳиятимизнинг амалий ифодаси

Президент Шавкат Мирзиёев  
10 август куни Тошкент шаҳрида  
амалга оширилаётган бунёдкорлик  
ишлари билан танишди.

Пойтахтимиз Тошкент тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Муҳташам иншоотлар, илмфан масканлари, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди.

Президентимиз бу ерга 2020 йил октябрда келган, институт негизда қурилиш кластери ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг ажратилган майдон кенгайтирилиб, янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Аввало, институт учун иккита 5 қаватли ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино барпо этилди. Қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, спорт мажмуаси, ётоқхона шу ерга жойлаштирилди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишлари, таълим масканининг фаолияти билан танишди.

Институтда 4 та факультет ва 23 та кафедра бор. Бакалавриятда 22 та,

магистратурада 25 та мутахассислик бўйича таълим берилмоқда. Замон талабларидан келиб чиқиб, "ақлли" уйлар ва шаҳарлар инфратузилмасини лойиҳалаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, иншоотлар зилзилабардошлиги каби йўналишлар дастурга киритилган.

Янги бинолар фойдаланишга топширилиши билан таълим қамрови ва сифати ошади. 2022/2023 ўқув йили учун 1 минг 600 дан зиёд квота ажратилган. Улар билан жами талабалар сони 7 минг 500 нафардан ортади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда талабалар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

— Биз қайси соҳани ислоҳ қилишга киришсак, аввал мактаб яратишдан, кадрлар тайёрлашдан бошлаймиз. Бу институт ҳам келгусидаги бунёдкорлик ишларига замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, ўқув дастурлари замон билан ҳамқадам бўлиши зарурлиги таъкидланди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИБутунжаҳон 44-шахмат  
олимпиадаси ғолиблари  
ва иштирокчиларини  
мукофотлаш тўғрисида

Янги Ўзбекистон шон-шухратини бутун дунёга таранном этиш йўлида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намойиш этиб, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этгани ва дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида ғолибликни қўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни она юртра муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур, мардлик ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон ифтихори”  
фахрий унвони билан

Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Вахидов Жаҳонгир Таирович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Воҳидов Шамсиддин Пулат ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Синдаров Жаҳоҳир Санжарбекович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Якуббоев Нодирбек Муродбек ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган спорт устози”  
фахрий унвони билан

Егин Владимир Николаевич — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси  
Соколов Иван — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

“Келажак бунёдкори”  
медали билан

Бобомуродова Мафтуна Панжиевна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Маликова Маржона Абди-мажид кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Омонова Умида Шухрат кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Ҳамдамова Афруза Акбаровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
Якуббоева Нилуфар Муродбек кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 10 август

## ИФТИХОР

Янги Ўзбекистон орзуси  
ва руҳи билан йўғрилган  
тарихий ғалаба муборака!

Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида олтин  
медални қўлга киритган миллий терма жамоамиз  
аъзолари тантанали кутиб олинди



Тошкент халқаро аэропорти. Бу ерда Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида ғолиб бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтаётган Олимпиада чемпионлари — ёш шахматчиларимизни муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилган.

Тонг яқин. Майин шабада, очик осмон руҳи, музаффар шахматчиларимизни интиқ кутаётган жамоат қувончи. Буларнинг бари Янги Ўзбекистонга, мустақиллигимизнинг шонли байрамига кутлуг мужда келатганидан далолат.

Шу фурсатда хаёлимиздан ўтаётган шуқуҳли ўйлар бизни бир тарихга, бир бугунги шарафли кунларга элтади.

▶ Давоми 6-бетда

ШАХМАТ  
ОЛАМИНИНГ  
ЁШ СУЛТОНЛАРИ

Дунё осмонида момакалдирак,  
Хушхабар таралди, қувонч — кўнғирок,  
Юракларда ёнди сиз ёққан чирок,  
Шахмат шарафининг янги шонлари,  
Янги Ўзбекистон чемпионлари!

Бу ақл чархидан сочилган олов,  
Ҳинднинг Ченнайида тикилган ялов,  
Ракиблар сочини босди-я, қиров,  
Каруана бўзлаб колган онлари,  
Икки Нодирбекнинг миллий шонлари!

Шахмат тожин кийган Гроссмейстерлар,  
Қўрдик қаршингизда жикка-жик терлар,  
Ўзбекнинг бу янги тўлқини дерлар,  
Чилпарчин бўлди-да, бор тўғонлари,  
Сизга минг офарин, эл ўғлонлари!

Жаҳонгир жон тикди керак онид,  
Макс Вармердам ёнди ўз армонида,  
Шамсиддин шамс бўлди ҳинд осмонида,  
Ер-қўкка сизгадил дил тўғёнлари,  
Шохни мот қилолган эл ўғлонлари!

Жавоҳир кадрини шонида тутди,  
Беш ўғлон бирлашиб дунёни ютди,  
Учинчи Ренессанс туғини тутди,  
Томирида окмиш аждод конлари,  
Бу ўзбек халқининг бек ўғлонлари!

Элу юрт дуоси шуқур, ёр бўлди,  
Юртбошимиз меҳри мадакор бўлди,  
Ўзбекистон бўлиб, сафда нор бўлди,  
Шахмат оламининг ёш султонлари,  
Янги Ўзбекистон қахрамонлари!

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири





# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бошланиши 1-бетда

— Бугун қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодийотидаги “драйвер”лардан бири. Ҳамма жойда қурилишлар

бўляпти, турли материаллар ишлаб чиқариляпти. Лекин беш йилдан кейин бугунги билим камлик қилади. Шунинг

учун доим изланишда бўлишимиз, ўзингизга инвестиция қилишимиз керак. Бу инвестиция нима? Қасбни мукаммал эгаллаш, тил ўрганиш, ишлаб, тажриба тўплаш, — деди Президент.

Мулоқотда талабалар институтда яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди, мақсадлари ва тақлифларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари уларнинг тақлифларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Талабаларнинг амалиётини лойиҳа институтлари ва қурилиш компанияларида ташкил этиш, илмий ишларига буюртмалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 6 июль кўни қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталиб, соҳадаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, уларга академик ва молиявий мустақиллик бериш зарурлигини айтган эди.

Шунга мувофиқ, институтнинг ташкилий-бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бошланган. Уни муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологиялари, рақамли қурилиш йўналишларига ихтисослаштириш мўлжалланган. Бу йилдан “Рақамли Университет” тизимини жорий этиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб, кириш имтиҳонларини халқаро стандартлар асосида йилига икки марта ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юнусобод туманидаги Собиробод маҳалласига борди.

Бу ерда 10 мингга яқин аҳоли яшайди. Маҳаллабай тизим натижасида ижтимоий муҳим масалалар ҳал этил-

моқда. Кўп қаватли уйларнинг қиёфаси янгиланди, йўлақлари, коммуникация тармоқлари таъмирланди.

Маҳалла худудидан ўтвчи Юқори Қорақамиш канали атрофи илгари қаровсиз, кўримсиз жой эди. Эндиликда ободонлаштирилиб, сўлим хиёбонга айлантилди. Пиёдалар учун кўприклар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари, велосипед йўлаги, фаввора барпо этилди. Уриндиклар, шахмат столи, чархпалак ўрнатилди. Дарахтлар экилиб, чимлар ётқизилди. Канал атрофидаги худудда 300 метр узунликдаги ишқомлар ўрнатилиб, узумлар экилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу шароитларни кўздан кечирди. Маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

— Ҳозир маҳалла фаоллари катта бир команда бўлди. Раиснинг ёнида ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилаттика ноизири бор. Бўлгандаям, ойлиги, шароити, ваколати билан бор. Энди шундай муносабатга жавобан масъулия ҳам бўлиши керак. Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Собиробод маҳалласининг ўсиш нуқтаси — тадбиркорлик. Бу ерда ўнлаб субъектлар — ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий клиникалар, озиқ-овқат дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай ишлар бошқа маҳаллаларда ҳам йўлга қўйилган.

Шу ерда Бош вазир ўринбосарлари маҳалла фаоллари олдида Юнусобод туманига қанча инвестиция жалб этилиши, қанча иш ўрни яратилиши бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида ташкил этилган ипотека марказини ҳам бориб кўрди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш доим муҳим масала. Давлат ва хусусий сектор томонидан кўплаб уйлар қуриляётгани бунга имконият яратмоқда. Уларни сотиб олиш учун қўмақлашиш мақсадида ипотека кредитлари тақлиф этилмоқда. Лекин бу борадаги имконият ва тартиблардан ҳамма ҳам хабардор эмас.

Масалан, жорий йилда ипотека кредитлари учун тижорат банкларига бюджетдан 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Лекин олти ойда аҳолига бу маблағларнинг 30 фоизи берилган, холос.

Шу боис, Президентимиз 6 июль кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада бюрократияни қайта ташкил қилиш зарурлигини айтган эди.

Биринчи шундай марказ пойтахтимизда иш бошлади. Бу ерда ипотека бозоридаги тақлифлар умумлашган ва шаффоф тизим йўлга қўйилган. Ташриф буюрувчиларга Тошкент шаҳрида қуриляётган уйлар, уларга хизмат кўрсатадиган банklar, ипотека кредитлари шартлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Олди-соти, гаров ва ипотека кредити шартномаларини расмийлаштириш тартиби, уй-жойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларида ҳам ёрдамлашади. Энг муҳими, барча хизматлар бир жойда кўрсатилади.

— Халқимиз турмушини яхшилаш учун қанча қарорлар чиқяпти, қулайликлар яратилляпти. Лекин кўпчилик бундан тўла хабардор эмас. Билганлар ҳам қаерга боришни билмай, овера бўлади. Бу марказ уй олишни истаганларга комплекс хизмат кўрсатиб, оғирини енгил қилади. Энди марказнинг электрон платформаларини ривожлантириб, одамларга янада қулайлик яратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари минглаб одамлар томорқа учун ипотекадан фойдалана олмаётганига эътибор қаратиб, мутасаддиларга бу бўйича кўрсатмалар берди.

— Томорқа ипотекасини жорий қилиш керак. Томорқа ипотекаси бу халқ ипотекаси бўлади, — деди Президент.

Марказда қурилиш ва девелопер компаниялар ўз офисларини ташкил этган. Харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент ипотека маркази барчага — ер участкаларини сотиб олишни истаган тадбиркорларга ҳамда девелопер компанияларига ҳамда ипотека кредити асосида хонадон сотиб олишни истаган ижтимоий шахсларга жуда фойдали платформага айланади. Бу каби лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши эса соҳадаги кўплаб масалаларнинг ҳал этилишига асос бўлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АВВАЛБЕКОВ, Уза Мухбирлари



ИНСТИТУТНИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОШЛАНГАН. УНИ МУҲАНДИСЛИК, АРХИТЕКТУРА, ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, РАҚАМЛИ ҚУРИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИШ МЎЛЖАЛЛАНГАН. БУ ЙИЛДАН “РАҚАМЛИ УНИВЕРСИТЕТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, КЕЛГУСИ ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЙИЛИГА ИККИ МАРТА ЎТКАЗИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ

### ҳар бир ходимнинг онгли равишда халққа ва ислоҳотларга дахлдорлик жозибаси



Ўзбекистонда кейинги йилларда халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар натижаси яққол намоён бўлмоқда. Бу борадаги халқчил сиёсатнинг самараси ўлароқ давлат бошқаруви ва давлат хизматчилари оддий одамларга яқинлашди. Халқни эшитиш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш тизими йўлга қўйилди. Ўз навбатида, давлат хизматчиларининг масъулияти ва моддий таъминоти ҳам оширилди. Бир сўз билан айтганда, “Инсон — жамият — давлат” тамойили ишлаб бошлади.

Мана шу кенг қўламли ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида Президентимиз 4 август кўни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Йиғилишида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”-ги қонунда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, давлат идоралари олдида турган устувор вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган мазкур қонун қабул қилиниши кенг жамоатчилик, маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Жумладан, давлат фуқаролик хизмати вакиллари, ҳужижлик мутахассислар мазкур қонун мазмун-моҳиятига нисбатан ўз муносабатини билдирди.



**Озод ҲУСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, юридик фанлар доктори:**

— Шу вақтгача давлат хизматчиларининг мақоми белгиланган бирор муҳим ёки алоҳида қонун йўқ эди. Давлат хизматчилари — давлат бошқарувида асосий роль ўйнайдиган манба. Шунинг учун уларнинг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқини, мажбуриятини белгиланган алоҳида — махсус қонун бўлиши керак. Бундан ташқари, давлат бошқарувида давлат ёки фуқаролик хизматида захирага олиш, ротацияга олиш

**Отабек ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари:**

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ижросини сифатли таъминлаш, мазкур ислохотлар билан кўзланган мақсад ва натижаларга эришиш даражаси бевосита давлат органлари томонидан белгиланган вазифа ва функцияларнинг нечоғлиқ пухта, самарали бажарилишига боғлиқ. Давлат органларининг самарали фаолиятини эса малакали, ташаббускор ва халқпарвар давлат хизматчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда, биринчи навбатда, давлат хизмати ва кадрларга нисбатан давлат сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат хизматини тўғри ташкил этиш, аввало, мазкур соҳадаги муносабатларни қо-



нун билан ягона қондалар асосида тартибга солишни назарда тутайди. Давлат хизматини тартибга солиш қондаларига профессионаллик, адолатчилик, қонунийлик, шаффофлик каби устувор тамойиллар татбиқ этилса, жамиятнинг давлат хизматида нисбатан ишончи ортишига олиб келади. Чунки давлат органлари фаолият сифати даражасига қараб аҳолининг давлат хизматида нисбатан тасаввур шаклланади. Давлат номидан фаолият олиб бораётган хизматчи қараб эса бошқарув ёки хизмат тизимига баҳо берилади.



Бошқа мамлакатлар бу каби қонунларни анча олдин қабул қилган. 2008 йилда Вьетнам соҳага тегишли қонунни қабул қилганда, мен ҳукуматга қатор тақлифларимни берганман. Қонунни ҳукумат ривожланиши ва маъмурий ислохотлар асоси, дейиш мумкин. Ўзбекистон қонунини анча пухта, пишиқтилган. Кейинчалик ислохотлар ва давр талабига қараб, унга ўзгаришлар киритилиши мумкин. Бу табиий жараён. Шунингдек, Ўзбекистонда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мамлакатда кадрлар сиёсати бўйича марказий орган сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу ҳам давлат фуқаролик хизматини мувофиқлаштириб боришга самарали хизмат қилади.

Давлат ва жамият орасида мувозанатли, ошқора муносабатлар шаклланган тақдирда, давлатнинг барча соҳалар бўйича истиқболли ривожланиши, мақсад қилинган марраларга эришиш самарадорлиги таъминланади.

Бунинг учун, аввало, давлат бошқаруви тизимини малакали ва масъулиятли кадрлар билан тўлдириш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириб бериш, рақобатли меҳнат бозори шароитида давлат хизмати нуфузи ва жозибдорлигини ошириш мақсадида хизматчиларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси ҳамда кафолатларини белгилаш зарур.

Яқинда имзоланган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун эса мазкур чора-тадбирларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда, давлат бошқаруви тизимини кадрларга бўлган давлат сиёсатини юритишда йўл кўрсатувчи “компас” вазифасини бажаради.

Бу — инсон қадрини ҳурмат қилганидан давлат фуқаролик хизматчиларини тўлиқ тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизимини концептуал яратадиган қонун. Оддий мисол, ушбу қонунда давлат фуқаролик хизматидаги кириш, бу хизматни ўташ, хизматдаги чекловлар, мажбуриятлар, ҳуқуқлар, ижтимоий таъминот масалаларининг барчаси муҳимаслашган.

**Пан Сок КИМ, БМТ Халқаро давлат хизмати комиссияси аъзоси, Yonsei университети профессори, Корея Республикаси ходимларни бошқариш собиқ вазири:**

— Ўзбекистоннинг давлат хизмати тўғрисидаги қонунни Парламентнинг юқори палатасида маъқуллангани ҳақида эшитиб, бу бўйича фикр айтишни ўзимга шараф деб билдим. 2008 йилда Вьетнам соҳага тегишли қонунни қабул қилганда, мен ҳукуматга қатор тақлифларимни берганман. Қонунни ҳукумат ривожланиши ва маъмурий ислохотлар асоси, дейиш мумкин. Ўзбекистон қонунини анча пухта, пишиқтилган. Кейинчалик ислохотлар ва давр талабига қараб, унга ўзгаришлар киритилиши мумкин. Бу табиий жараён. Шунингдек, Ўзбекистонда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мамлакатда кадрлар сиёсати бўйича марказий орган сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу ҳам давлат фуқаролик хизматини мувофиқлаштириб боришга самарали хизмат қилади.



**Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳоқими:**

парвар давлат барпо этишга қаратилган устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини янада оширишни талаб этмоқда.

Шунга қўра, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси билан давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизми жорий этилаётгани давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида натижадорлик ва самарадорлик таъминланишида ўзига хос мезон сифатида хизмат қилади.



**Андрей МАРГОЛИН, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия Халқ ҳўжалиги ва давлат хизмати академияси проректори:**

— “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонундан давлат хизматчисининг ўз касбий кўникмалари ва компетенцияларини ривожлантириши тўғрисидаги қонуннинг ўрни олтиш табиий. Агар бундай қонун бўлмаса, давлат хизматчисини илгари олтирган билимлари ҳисобига яшаш ва келажак ҳақида унчалик қайғурмаслик қайфиятига тушиб қолиши эҳтимоли юзага келади.

Албатта, узлуксиз таълимни ўз карьерасининг табиий қисми, деб ҳисоблайдиган давлат хизматчилари бор. Шундай бўлса-да, давлат хизматчисининг хоҳиши билан бир қаторда, касбий ривожланиш зарурати ҳуқуқий мустаҳкамланиши мувозанатга келтирувчи восита ҳисобланади.

Давлат хизматчиларини касбий компетенцияларни ривожлантиришга ундайдиган давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликни билиш зарур ва албатта, шу билан бирга, қонунсиз ҳам давлат хизматчининг давр талабларига жавоб беришга ва ривожланиб боришга рағбатлантирадиган юқори даражадаги онгли хоҳишга эга бўлиш лозим.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Башорат ЮНУСОВА тайёрлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА

# МИСЛСИЗ ЗАХИРА, УЛКАН ИМКОНИЯТ

## Икки муҳим омил бирлашган Олмаликда саноатнинг ривожланиш даври бошланяпти



Олмалик сўзининг луғавий маъноси, келиб чиқиш тарихи борасида турли талқинлар мавжуд. Омма орасида ганимининг ушбу кўхна кентни махв этмагани учун “олмадик”, “оломадик” деган иккортдан Олмалик келиб чиққани ёки шаҳар этагидаги катта олмасор бу номга асос экани ҳақидаги тахминлар машхур. Назаримда, бу сўзнинг асоси “Ол болиғ”, яъни “ол — қизил, оловдек ёниб турувчи, болиғ — шаҳар”дан ташкил топган, деган тўхтаманантиқий жиҳатдан асослидек. Бинобарин, бу шаҳарнинг ҳар ҳовуч тупроғи олтин кумуш, мис каби қимматбаҳо металлларга бой. Зеро, 70 йил мобайнида бу ердан 1,5 миллиард тонна руда қазиб олинди, 6 миллион тоннадан ортиқ мис, 3,5 минг тонна кумуш ва 850 тонна олтин ишлаб чиқарилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Гапимиз гарчи Олмалик сўзининг луғавий маъноси ҳақидаги мулоҳаза билан бошланган бўлса-да, мавзунимиз бошқа, аниқроқ айтганда, Қурама тоғлари бағридаги жавоҳир, ушбу шаҳарнинг ривожланиш драйвери — “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ фаолияти тўғрисида.

Мазкур комбинат мис-молибден, полиметалл, олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги етакчи корхоналардан бири. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келиши ҳам фикримиз далилидир. Айни пайтда корхона ва унинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги тарихий бўлимида 35 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётди.

Сўнгги йилларда комбинатни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш, ишлаб чиқариш жараёнига илгор замонавий технологияларни жалб этиш, илм ва технологияга катта маблағ йўналтириш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Гап комбинат ривож ҳақида борар экан, Президентимиз ташаббуси билан Ёшлик-1 конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси бошланганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Чунки ушбу ташаббус комбинатнинг 70 йилдан ортиқ давр мобайнидаги фаолиятида туб бурилиш ясовчи, замонагача мис янги тараққиёт даврини бошлашига замин яратувчи йирик лойиҳадир.

### Ёшлик кони янги марраларга эшик очади

Бугун аҳоли фаровонлиги, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ёшлик-1 конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини шундай меғалойиҳалар сирасига киритиш мумкин. Сабоби, лойиҳа комбинатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини ошириш, минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилиши билан бирга, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариши ташкил этиш орқали қатор саноат йўналишлари ривожига кенг йўл очилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металллар бор.

Президентимизнинг 2017 йил 1 мартдаги “Ёшлик-1 кони негизда “Олмалик КМК” АЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган мазкур меғалойиҳа қиймати 4,8 миллиард долларни, кон майдони 11 минг гектарни ташкил этишининг ўзидек лойиҳа кўлами қай даражада катта эканини кўрсатади. Захира-си ҳам шунга яраша салмоқли — йилгига 65 миллион тонна маъдан қазиб олиш қувватига эга.

Конни ўзлаштириш ишлари давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 август куни Олмалик шахрига ташрифи доирасида бошланган. Уша кезлар бу ерда йилгига 3 миллион куб метр кон ишлари бажарилган бўлса, сўнгги йилларда 415 миллион долларлик 593 дона замонавий техника олиб келинган, самарадорлик ўн қара ошди. Айни пайтга қадар эса конда руда қатламга етиш ва уни қазиб олиш мақсадида қарийб 125,5 миллион метр куб тупроқ ишлари бажарилди.

Австралиянинг JORC кодексига мувофиқ амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, комбинатнинг мис ресурслари 45 миллион тонна, олтин захиралари эса 5 минг тоннани ташкил этади. Ушбу геология қидирув ишлари натижаларига таянган ҳолда комбинатни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2030 йилга бориб мис ишлаб чиқариш 515 минг тонна, олтин 52 тонна, кумуш 343 тоннага етказилиши кўзда тутилмоқда. Бу марраларга эришиш учун кўп минг кишилик жамоа томонидан улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда.

Айни пайтда комбинатда Ёшлик-1 конини ўзлаштириш лойиҳаси доирасида кон фаолияти учун зарур янги инфраструктура объектлари, яъни темир йўллар ва станциялар, кон транспорти воситаларини таъмирлаш ва йиғиш цехлари қурилмоқда. Шунингдек, 650 мегаватт қувватга эга ташкил тармоғи барпо этиляпти.

Ёшлик-1 конидан 3-мис бойитиш фабрикасига маъдан ташкил харажати камайтириш мақсадида майдонда комплекс ва узунлиги 4 километр бўлган айланма-оқим технологияси (ЦПТ) қурилиши учун майдон тайёрланмоқда. Бу ерда маъдан дастлабки тарзда майдонлади. Коннинг

устки қатлами ташиш учун ҳам айнан шундай технология жорий этилмоқда.

Шунингдек, соатига 23 минг куб метр қувватга тенг сув таъминоти объектлари ҳамда ишлаб чиқариш қуввати 360 минг тонна бўлган янги оҳак заводи барпо этиляпти. Конда қазиб олинган рудаларни қайта ишлаш учун эса 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмоқда.

### Ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробар ошади

Юртимиз кончилиги ривож учун муҳим воқеа — қиймати 2 миллиард доллар, рудани қайта ишлаш қуввати 60 миллион тонна бўлган 3-мис бойитиш фабрикасини лойиҳалаштириш ишлари Италиянинг “Wood” ҳамда лойиҳани техник жиҳатдан баҳолаш ва қабул қилишга Буюк Британиянинг “Technip Energies” компаниялари жалб этилган.

Фабрика қурилиши учун 106 гектар ер ажратилган бўлиб, қурилиш майдони комбинат ишчи кучлари билан тайёрланди. 3-мис бойитиш фабрикаси комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватини 2,5 баробар ошириши билангина эмас, балки мис саноати кластери, кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда автомобилсозлик тармоқлари ривожига ҳам замин яратиши билан аҳамиятлидир.

— Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва кўрсатмалари билан Олмаликда кейинги босқичда 4- ва 5-мис бойитиш фабрикаларини қуриш мақсад қилинган, — дейди “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов. — Биргина 4-мис бойитиш фабрикасини қуриш натижасида рудани қайта ишлаш ҳажми 3 қарра кўпайиб, 160 миллион тоннага етади. Уз навбатида, 2028 йилга бориб комбинатимиз йилгига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу билан бирга, янги мис бойитиш фабрикаларидан олинган 2 миллион тонна мис концентратини қайта ишлаш учун умумий қуввати 400 минг тонна мис катоди чиқаришга мўлжалланган металлургия комплекси бунёд этилади. Комплекс таркибиде янги металлургия цехи, 5-сульфат кислота цехи, мисни электролиз қилиш ва ҳаво тақсимлаш цехлари барпо этилади.

Янги фабрика таркибиде руда омборлари, ўрта ва кичик майдонлар корпуслари, янчиш бўлими билан бош корпус биноси, флотация ва сувсизлантириш бўлимлари, гидрометаллургия цехи, тайёр маҳсулотни сақлаш ва жўнатиш бўлими, таъмирлаш-механик устаконалари, чиқинди ҳужалиги ва бошқа бўлимларга бўлади.

Ушбу фабрика МДҲда ягона бўлиши билан бирга, унинг барча технологик жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади. Бу инсон омилнинг технологик жараёнларга таъсирини камайтириб, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

### Мис саноати кластери — миллий иқтисодиёт драйвери

“International Copper Study Group” (ICSG) ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда дунёда тозаланган мис ишлаб чиқариш ҳажми 24,50 миллион тоннани, унинг реал истеъмолни эса 25,33 миллион тоннани ташкил қилган. Яъни йиллик ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан бозор талаби ҳажми юқори бўлиб, ўз навбатида, бу мис танқислигини юзага келтирган. “Яшил иқтисодиёт” ва қайта тикланадиган энергия манбаларининг жадал ривожланиши, электромобиллар, маиший техника, электроника соҳаларида ишлаб чиқаришнинг кўпайиши туфайли жаҳонда мисга талаб 2030 йилга келиб 40 фоиз ортиши кутулмоқда.

Бу ўз навбатида, мамлакатимиздаги ягона мис ишлаб чиқарувчи — Олмалик кон-металлургия комбинати мис катоди чиқаришга қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришда кўп поғонали занжирларни яратган ҳолда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлашга ўтишини тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда мис сотишдан олинган йиллик даромадлар тахминан 2,5 миллиард долларни ташкил қилади. Мис ишлаб чиқариш ҳажми йилгига 500 минг тоннага кўпайтирилган тақдирда, 2030 йилга келиб ушбу кўрсаткич, ўзроқ боғлиқ тармоқларни ҳисобга олган ҳолда, 8-9 миллиард долларга етиши мумкин. Ушбу марраларга эришишда эса Президентимизнинг 2021 йил 24 июндаги “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мумим ҳуқуқий асос вазифасини уятапти.

Қарорда мис ва у билан боғлиқ соҳаларда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-технологик кластерни, яъни мис саноати кластерини ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур кластер доирасида лойиҳа ва инжиниринг хизматлари, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ўзроқ боғлиқ тизимини ривожлантириш, замонавий технологияларни трансфер қилиш, инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш бўйича илгор хорижий тажрибачилар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизими шакллантирилади.

Кластерни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш учун етакчи хорижий консалтинг компаниялардан бири — Hatch (Канада) жалб қилиниб, у билан биргаликда тайёр мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистоннинг халқаро бозордаги мавқеини аниқлаш ишлари йўлга қўйилди. Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариши ривожлантириш юзасидан таклифларни тайёрлашдан ташқари, хорижий компания томонидан мис кластери учун асосий хомашё ҳисобланган мисни максимал даражада ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганилади, шунингдек, капитал ва технологияларни жалб қилиш учун зарур бўлган муайян чора-тадбирлар белгиланади.

Бунда асосий эътибор Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган меғалойиҳалар доирасида 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш, мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобига 2024 йилдан бошлаб ҳажми 187 минг тоннага етказиладиган мис хомашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлашга қаратилади. Келажақда эса мис ишлаб чиқариш 400 минг тоннани ташкил этишини инноватга олиб, мис кластерида хусусий тадбиркорларнинг роли янада оширилади.

Ушбу кенг кўламли вазифаларни сифатли ижро этиш мақсадида Чили ва Бразилиядаги мис кластери тажрибаси, энг илгор металлургия комбинатлари технологиялари ва ускуналари чуқур ўрганилди.



Масалан, Чилининг “Codelco” компанияси фабрикалари ҳамда очик ва шахта усулида йилгига 18 миллион тонна руда қазиб олинган Чуккамата конидаги тажрибани Ёшлик-2, Мискон ва бошқа конларни ўзлаштиришда қўллаш белгилаб олинди.

“ВНР” компаниясининг (Австралия) Спенса кони рудаси таркиби ва геологияси Ёшлик кони характеристикасига тўғри келиши сабабли 1 та линиядан иборат, йилгига 25 миллион тонна рудани бойитиш технологияси ўрганилиб, Олмалик кон-металлургия комбинатининг келажақда қуриладиган 4-мис бойитиш фабрикасини лойиҳалашда 4 та линияни ўрнатиш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда мис саноати кластерини ривожлантириш ҳолатини айрим рақамларда кўрсатиш мумкин. Мисол учун, 2018 йилда 22,4 минг тонна мис қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 71 минг тоннани ташкил этади.

— Олмалик кон-металлургия комбинати юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш мақсадида мис ва рухни чуқур қайта ишлашга мўлжалланган, умумий қиймати 27,4 миллион долларлик 11 та лойиҳани жадаллик билан амалга оширмоқда, — дейди “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ мис саноати кластерини ривожлантириш хизмат бошлиғи Жасур Тўхтаев. — Бунда йилгига 11 минг тонна мис ва 4 минг тонна рухдан қўшимча 134 миллион долларлик мис листлари, тасмалари, фольгаси ва кукуни каби экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Электромобиллар сони ўсишини ҳисобга олган ҳолда, комбинатда электромоторларда ишлатиладиган туртбурчакли сим ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам бошланди. Лойиҳанинг биринчи босқичида ишлаб чиқариш қуввати 6 минг тоннани ташкил этади. Келгусида бу кўрсаткич 12 минг тоннага қадар оширилиб, тўлиқ экспорт қилинади.

Анрен қувур заводида 2022-2023 йилларда мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган 13,9 миллион долларлик 5 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 4 та янги турдаги

маҳсулот — капилляр қувурлар, мис учликлар, қотишмадан тайёрланадиган фитинглар ва диаметри 25 мм.дан 42 мм.гача бўлган туғри қувурларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Мис қувурлар ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги 8 минг тоннадан 20 минг тоннагача етказилади. Натижада 2025 йилга келиб комбинатнинг биргина ушбу бўлимида 1,4 триллион сўмликдан ортиқ қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилади.

Бойитиш фабрикалари қуввати ошиши ҳисобига маҳаллий технологик ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар билан тўлиқ таъминлаш учун комбинат таркибиде янги тармоқ — машинасозлик заводини қуриш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа, аввало, комбинат машинасозлиги учун жуда муҳим. Машинасозлик заводи 4 та мис бойитиш фабрикаси учун йилгига умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган майдонга, тегиримон каби ускуналар ҳамда бутловчи-эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имконини беради. Лойиҳа қиймати 500 миллион доллар бўлган бу корхона 2024 йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Кон-металлургия техникасининг 35 та янги турини ишлаб чиқариши мўлжалланган янги машинасозлик заводи 2 мингга яқин кишини иш билан таъминлаши кутулмоқда.

Шу билан бирга, нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий-ишлаб чиқариш бирлашма-си негизда мис асосидаги 3 та янги турдаги 13 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариши ўзлаштириш лойиҳаларига киришилди. Бу ерда мисдан тасмалар ва тахталар, мис қотишмаларидан катанка (бронза ва жез), мис ва унинг қотишмаларидан сферик кукун ишлаб чиқарилади. Йилгига 11 минг тонна мис ва 4 минг тонна рух қайта ишланиб, 134 миллион долларлик экспорт-боп маҳсулот тайёрланади. Шунингдек, 1,4 триллион сўмлик мис қотишмалари маҳаллийлаштирилади.

Буларнинг барчаси комбинатга нафақат мис, балки юқори қўшилган қийматли бошқа экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига салмоқли фойда олиш, корхонанинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ва рейтингини ошириш,

бошлиғи Комил Бадалов. — Улар ичида мис асосийсидир. Бугунги кунда комбинатимиз мис ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия ва Қозғистондан кейинги учинчи ўринда туради. Корхона йилгига 148 минг тоннага яқин мис ишлаб чиқаради, шундан 70 минг тоннага экспортга жўнатилади. Шунингдек, хорижлик истеъмолчиларга молибден, рений, рух, кадмий, вольфрам, палладий ва бошқа нодир металллар етказиб берилди. Сурхондарё вилоятида жойлашган Шеробод цемент заводи маҳсулотларининг катта қисми ҳам экспорт қилинади.

Комбинат жорий йил ва яқин иқтиболда экспорт кўрсаткичларини бир неча баробар оширишни мақсад қилган. Бунга эришиш учун бозорнинг ҳозирги конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва сотувлар ҳажмини ошириш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бунда мис ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортиги билан бажарилди, балки маҳсулот экспорт борасида ҳам юқори натижалар қайд этилди.

Комбинат маҳсулотлари экспорти географияси йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам эътирофга сазовор. Жумладан, маҳсулотлар Туркия, Россия, Беларусь, Қозғистон, Болгария, Озарбайжон, Қирғизистон, Украина, Польша, Тожикистон, Индонезия, Нидерландия, Хитой, Туркменистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, янги бозорлар — Суриана, Кения, Австралия, Литва, Грузия, Португалия, Канада, Австрия, Испания, Финляндия, Марокаш ва Сингапурга ҳам сотилипти.

2022 йил январь-июль ҳолатига комбинат 623 миллион 402 минг долларлик нафақат экспорт қилган. Бу борадаги режа 133,5 фоиз бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

### Маҳаллийлаштириш дастури — иқтисодий самарадорлик омилли

Экспорт-боп ва импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош, замонавий истеъмол бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши ривожлантириш, шу орқали катта миқдордаги валютани тежаш, маҳаллий хомашё ва минерал ресурслардан фойдаланишда инновация ендашувларни кенг татбиқ этиш мамлакатимиз саноат корхоналари олдига турган устувор вазифалар сирасига кирди. Бугунги кунда комбинатда бу борада ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, асосан, икки йўналиш — корхонада мавжуд ва янги қувватларда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари билан кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига олиб боришмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқариш ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2022 йилда 97 лойиҳа доирасида импорт ўрнини босувчи маҳаллийлаштирилган 208,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тармоқ жадалви тасдиқланган. Ушбу қарор ижроси бўйича майдон бошлаб яна 28,2 миллиард сўмлик 11 та янги лойиҳанинг тармоқ жадалви тасдиқланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши бошланди.

Жорий йил январь-июль ойларида маҳаллийлаштириш дастури доирасида режалаштирилган лойиҳалар бўйича 129,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиши белгиланган бўлса, амалда 162 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу режага нисбатан 125,4 фоиз, ўтган йилнинг мис даврига нисбатан эса 143,1 фоиз ортдиқар. Ёили якунига қадар қарийб 270 миллиард сўмлик ёки режага нисбатан 113,9 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутулмоқда. Бунда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 24,5 миллион долларни ташкил этади.

Барча лойиҳалар бўйича режа кўрсаткичлари бажарилишига эришилди ва 516,3 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳозир комбинат ёрдамида Олмалик шахрида лойиҳа қиймати 115 миллиард сўм бўлган Олмалик қувов механика заводи учун ажратилган ерда зарур бинолар қурилмоқда. Октябр ойида ишга туширилиши режалаштирилган корхонада кооперация асосида йилгига импорт ўрнини босувчи 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилади, 200 дан зиёд янги иш ўрни очилади.

Бир сўз билан айтганда, комбинатда бугун улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ёшлик кони нафақат мамлакат саноати, балки жаҳон рангли металлургиясининг локомотив лойиҳаларидан бирига айланади. Меғалойиҳа эвазига Олмалик кон-металлургия комбинати жаҳонда тоғ жинсларини қазиб бўйича 16-ўриндан, маъданни қайта ишлаш ҳажми бўйича 25-ўриндан 1-ўринга кўтарилади. Мис ишлаб чиқариш бўйича эса яқин йиллар ичида энг гигант ишлаб чиқарувчиларнинг кучли ўнлигига кирди.

**Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



## ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН  
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ

МИНТАҚАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари ривожини қўлбастидан транспорт логистикасига боғлиқ. Илгари бу вазифани савдо қарвонлари зиммасига олган бўлса, бугунга келиб замонавий транспорт тизими ва улар учун яратилаётган инфратузилма давлатларни ўзаро боғламоқда. Айниқса, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида бу соҳанинг аҳамияти тобора ортиб борапти.

Логистика тизимига мамлакат иқтисодийнинг қон томири, деяр таъриф берилиши бежиз эмас. Бойси, самарадор логистика тизими ички бозорда тайёр маҳсулот ва хомашё ҳаракатини оптималлаштириш орқали харидорларга товар ва хизматлар қўлай шароит ва арзон нархларда етказиб берилишини таъминлайди, бозордаги рақобатни рағбатлантиради. Ташқи бозорда эса мамлакатнинг иқтисодий рақобатдорлигини оширади ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнини тезлаштиради.

Жорий йил 9 август куни давлатимиз раҳбари халқаро транспорт йулакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдирот билан танишар экан, бу йил юртимиз маҳсулотлари 32 та янги бозорга кириб боргани, Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича ишлар ҳам жалдлашаётганини таъкидлади.

Бу мамлакатимизда экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқ. Бойси, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжига чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Янги сўнгги вақтларда технологик инновацияларнинг тез суръатлари, дунё иқтисодиётидаги ўзгаришлар мураккаб вазиятлар ва COVID-19 пандемияси транспорт логистикаси соҳаси ривожини бироз қийинлаштиргандек. Жаҳон транспорт ва логистика тизими ташкилотига маълумотларига кўра, транспорт хизматлари бозори 2021 йилдаги 6 559,7 миллиард доллар-

дан 2022 йилда 7 210,4 миллиард долларга ўсиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич 2026 йилга бориб 9,6 фоиз ўсиш суръати билан 10 394,13 миллиард долларни ташкил этиши тахмин қилинапти. Шу сабабли транспорт соҳаси статистикаси ва маълумотларини чуқур таҳлил қилиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Утган йил маълумотларига кўра, охириги вақтларда мамлакатимиз Жаҳон банкнинг "Логистика самарадорлиги" индексида 19 поғона кўтарилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида ҳам транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл тармоқларини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, ташқи савдо учун "яшил йулаклар" ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажминини 15 миллион тоннага ошириш белгиланган.

## Олис манзиллар қисқарди

Сир эмас, яқин вақтларга қадар бизнинг асосий юкларимиз Қозғоғистон транзит йулакларини орқали ташилган ва бу йўналиш имкониятлари эҳтиёжларимизни тўла қондира олмаган. Товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидаги бандлик маҳсулотларнинг маълум муддат қўлиб кетишига сабаб бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган.



Давлатимиз раҳбари 2017 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон ташқи савдо юкларини жаҳон ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йулакларини изчил шакллантириш, логистик йўналишларни диверсификация қилиш, бу борада кўшнилари билан амалий музокаралар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, транзит давлатлар — Туркменистон, Эрон, Қозғоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташилдида преференцияларга эга бўлиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бора-

сидаги ҳаракатларини рағбатлантириш зарурлиги белгиланди. Хитой ташаббуси бўлган "Бир макон — бир йўл" лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт коммуникацияси инфратузилмаси имкониятлари оширилди. Миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида "Миллий логистика портали" ишга туширилди. Умуман, Ўзбекистонда кейинги йилларда сифатли хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий инфратузилмалар яратиш орқали автомобиль йўллари ва темир йўл йўналишларида ийрик транзит хаблари ташкил этиш режалаштирилди.

Мамлакатимиз денгизга чиқиш учун камида иккита давлат ҳудудидан ўтиши керак ва бу жаҳон бозорига чиқишда салбий таъсирга эга. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи учун жаҳон бозорига чиқиш Германиядаги ишлаб чиқарувчига нисбатан 4 баравар қimmatга тушади. Аммо бунинг транспорт харажатларини пасайтириш, ташувлар тезлигини оширишга қаратилган самарали транспорт сиёсати юритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Шу боис, Марказий Осиё мамлакатлари транспорт логистикаси салоҳиятини ошириш, транзит қобилиятини кенгайтиришда минтақадаги кўшнилари билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги ишларни фаол қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон минтақавий иқтисодий интеграция жараёнида Афғо-

Маълумотларга кўра, 600 километри Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли ишга туширилгач, дастлабки йилларда юк ташил ҳажми 10 миллион тоннага етиши мумкин. Экспертлар тахминчи, Афғонистоннинг транспорт ва инфратузилмавий салоҳиятини тўлиқ рўйбонга чиқариш орқали Ўзбекистондан Покистонга юк ташил вақти 35 кундан 3 кунгача қисқаради. Россия ва Покистон ўртасида транспорт харажатларини 20 фоиз, Марказий Осиё ва Покистон давлатлари ўртасида эса 35 фоиз камайтириши мумкин.

## Биргаликда ривожланиш йўлида

Қирғизистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳат учрашувида Қоз-



нистонни кенг жалб этиш мақсадида Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш тармоғи ва Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби ийрик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқда. Бунинг учун 4,8 миллиард доллар кредит жалб қилиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг илк босқичи учун Жаҳон банки томонидан 35 миллион доллар ажратилган.

гистон трансфғон темир йўли қурилишида иштирок этишга тайёрглигини билдирди ва қурилиши ер устки қурилмалари учун материаллар билан зулуқсиз таъминлашни ҳамда ҳаракатдаги таркиб тақдим этишини маълум қилди.

Мўқобил транспорт йулакларини янада ривожлантириш ҳамда жаҳон ва шарқ йўналишида транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш мақсадида Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига

ИЛМГА АСОСЛАНГАН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

МУРАККАБ ШАРОИТДА ҲАМ ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

## ЖАРАЁН

Жаҳонгир ҚЎЗИЕВ,  
Тупроқшунослик ва  
агроклимат тадқиқотлар  
институтининг бўлим мудирини

Глобал иқлим ўзгариши бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Айрим ҳудудларда ҳарорат хаддан зиёд кўтарилаётгани нафақат табиат, балки инсониятга ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Аслида, бу муаммо бевосита одамзоднинг бугунги ва келажиги билан боғлиқ. Чунки об-ҳавонинг шу кунгача бўлган меъёрдан кескин ўзгариши, айниқса, чўлланиш, тупроқнинг қуриб бораётганида кўзга ташланмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳам кун тартибидеги муаммолардан бирига айлантирди.

Албатта, ҳар бир давлат бу масалага ўз имконияти ва шароитидан келиб чиқиб ечим излаяпти. Хусусан, мамлакатимизда қўллаб-қувватлаш маҳсулотларини қўлайтириб, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Жорий йилнинг 18 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада аниқ вазифалар ҳам белгиланди.

Бу масаланинг бир томони бўлса, асосий жиҳат қишлоқ хўжалиги ерлари, хусусан, суғориладиган ерлар умдорлигини сақлаш, уларнинг иқлим ўзгариши таъсирини тушишининг олдини олиш, турли об-ҳаво шароитига чидамли янги навларни яратиш ҳамда соҳага илгор технологияларни олиб киришни тақозо этмоқда. Тупроқшунослик ва агроклимат тадқиқотлар институтининг бир гуруҳ олимлари шу йўналишда қатор изланишлар олиб бориб, яна бир инновацион лойиҳани ишлаб чиқишга

муваффақ бўлди. "Ўзани ўқитлашда глобал иқлим ўзгаришларига мос NPK нисбатидеги инновацион агротехнологияни яратиш" деб номланган лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилди.

Мазкур лойиҳа илмий тадқиқот тарзида амалга оширилади, яъни бир гуруҳ мутахассислар 2023 йилнинг 1 декабрига қадар танлаб олинган 5 та вилоят — Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент ва Андижондаги фермер хўжалиги ва кластерларнинг суғориладиган ер майдонларида дала тажрибаларини олиб боради. Жараёнда юртимизнинг турли ҳудудларидаги тупроқ-иқлим шароитларида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил сифати ҳамда тупроқ умдорлигини таъминловчи ва глобал иқлим шароитига мос бўлган мақбул N:P:K нисбатлари аниқланиб, тупроқ ва ўсимликлар турли-ҳудуддаги маълумотлар асосида автоматлаштирилган геофазовий-смарт инновацион агротехнология ишлаб чиқилади.

## Инновацион ечим

Олимлар аллақачон тажриба-синовларга киришган. Лойиҳа иштирокчилари пахта етиштиришда суғориладиган майдонларнинг 80-85 фоизини қамраган тупроқ типлари шароитида ўндан ортқ ҳудудлашган ва истиқболли навлар асосида дала тажрибаларини олиб бормоқда. Бунинг учун танланган участкаларга кичик агрометеорологик автоматик станциялар ўрнатилди. Улардан олинган реал вақт режимидаги маълумотлар асосида ҳаво қурғоқчилигининг термометрик коэффициенти (ТГК) ҳисобланиб, ғўзанинг вегетация босқичига мувофиқ тупроқнинг тегишли чуқурликдаги намлик захираси ва ТГК орасидаги боғлиқлик аниқланади. Экиннинг озиқли элементлар ва сувга бўлган талабининг мақбул режими ишлаб чиқилади.

Бу иқлим ўзгариши қўламини баҳолаш, унинг салбий ва ижобий жиҳатларини тадқиқ этишининг бир қисми. Гап шундаки, ҳозир глобал иқлим ўзгаришлари қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир кўрсатаяпти. Бунинг натижасида

ҳарорат ва намликнинг ўзгариши қуруқ ва иссиқ даврнинг қўзилишига олиб келмоқда. Узгидрометеорология маркази маълумотларига кўра, сўнгги беш йилда мамлакатимизда вегетация даврида ўртача ҳаво ҳарорати 1-2 даража қўриқлагани кўриб этилмоқда. Ёғинлар миқдори ҳам нисбатан камайиб борапти. Сув омборларида эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоиз, сўнгги уч йилга нисбатан 22 фоизга кам сув захираси йиғилган.



Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги экинлари (ғўза)нинг ўсиши ва ривожланиши даври, сувга бўлган талаби ўзгариб борапти. Масалан, вегетация даврида куннинг сезиларли даражада исиб кетиши ёки кун билан тун орасидаги ўртача ҳароратнинг фарқи катта эмаслиги экинларнинг сув ва озуқага бўлган талабини қондира олмайди. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларидан қутилган ҳосил олиш имконияти пасаяди. Бу ҳолат қўлланиладиган минерал ўғитларнинг мақбул меъёр, муддат, нисбат ва қўллаш усуллари ушбу шароитга мослаб мақбуллаштиришни талаб қилмоқда.

Танланган дала тажрибаларига ўрнатилган OXUS-2 метеостанцияси ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, тупроқ ҳарорати, намлиги, нур ўтказувчанлиги, ёғингарчилик миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши, шудринглангиш ҳарорати, эвапотранспирация, сезилувчан иссиқлик оқими, парли босим етишмовчилигини аниқлайди. Ушбу кўрсаткичлар

чигитни екиш муддатидан тортиб топишб етилгунга қадар керак бўлади. Масалан, тупроқ ҳарорати ва намлигини аниқ билган ҳолда чигит экилса, соғлом кўчат олиш имкони ошади. Тупроқнинг мақбул намлиги эса ғўзанинг ўсиб-ривожланиш босқичида озуқа элементларини етарли даражада ўзлаштиришни таъминлайди. Бу орқали қутилган, ҳатто юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин.

Янги миллий агрегатор  
авлоди яратилмоқда

Тахлиллардан кўринадики, ҳозирги шароитда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий миқдорини кўпайтиришнинг асосий иккита йўли мавжуд. Биринчиси, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш бўлса, иккинчиси, мавжуд экин ерларида парвариланаётган экинлар ҳосилдорлигини оширишдан иборат. Дастлабки усул борасида юртимиз буйлаб катта ишлар амалга ошириляпти. Фойдаланишдан чиқиб кетган (яроқсиз) ерлар қайта фойдаланишга киритилляпти. Аммо ҳар қандай давлатда бўлганда ҳам бизда ҳам экин майдонларини кенгайтириш имконияти чекланган. Шу сабабли асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар бир гектаридан олинмайдиган ҳосил миқдорини ошириш



билан бирга, тупроқлар умдорлигини доимий назорат қилишга қаратиш лозим. Бу борада қатор агротехнологиялар мавжуд бўлиб, асосийларидан бири минерал ўғитларни самарали қўллаб, қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа элементларига бўлган талабини тўлиқ қондиришдан иборат. Гап шундаки, тупроқда мақбул озуқа, сув режими ҳамда бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина, ҳар бир экин тури ва нав ҳосилдорлигининг потенциал имкониятлари тўлиқ намоён бўлади.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, юртимизда мавжуд ўғит қўллаш тизимлари тақомиллаштириш ва автоматлаштириш зарур. Биринчи навбатда, деҳқончиликда қўлланилаётган минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатларини тўри белгилаб, улардан самарали фойдаланиш учун далаларнинг озуқа элементлари билан таъминланганлик даражаси ва ҳар бир навнинг озуқага бўлган талаби асосида керакли ҳудудларга автоматик равишда минерал ўғит қўллаб оладиган замонавий агрегат керак бўлади.

Лойиҳа доирасида ҳаво қурғоқчилиги ва тупроқ намлиги орасидаги боғлиқлигини ва мақбул озуқа муҳитини яратиш учун Андижон, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги фермер ва гидроморф тупроқларида ғўзада дала тажрибаларини ўтказиш, пахта ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари ўзгаришини инноватив олуви "иқтисодий самарадорлик диагностика тизими"ни ишлаб чиқиш каби вазифаларни тўри белгилаб, Бунинг учун танлаб олинган ҳудудлардаги маълум фермер хўжалиги ва кластер раҳбарлари билан 2 йиллик дала-синов тажрибаларини олиб бориш ва энг яхши натижаларини кенг қамровли амалиётга жорий этиш бўйича меморандумлар ҳам имзоланган. Масалан, Андижон вилоятидаги

қиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари жадаллаштирилмоқда. Мазкур темир йўли Хитойни Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа йўналишга айланади. Мавжуд йўналишларга қараганда массафа 900 километрга, юкларни етказиб бериш муддати 7-8 кунга қисқаради. Ушбу лойиҳа истиқболлари 2020 йилда ишга тушган Қашғар — Ирқиштом — Уш — Андижон — Тошкент автомобиль йўлига орқали намоён бўлмоқда. Бу йўл Марказий Осиёдан автомобиль транспорти восталарининг Хитойга тезроқ етиб боришига имкон берапти.

Бундан ташқари, минтақамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланиш, Осиёдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё ҳудудида транспорт йулакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика инфратузилмасини кенгайтириш бўйича ийрик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

2021 йилда Ислом тарақиёт банкни бошқарувчилар кенгашининг пойтахтимизда ўтказилган 46-йиллик йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан "Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача яшил йўлак" савдо-иқтисодий маконини шакллантириш ташаббуси илгари сурилди. Унинг амалга оширилиши ўзаро савдо ва сарможий алоқаларни кенгайтириш, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиши ва барқарор ўсиши, эркин савдонини рағбатлантириш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Умуман, сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасида транспорт логистикаси соҳасида мулқало янги конструктив ҳамкорлик муҳити яратилди. Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиб бораётганига қарамай, мамлакатлар ўртасидаги анъанавий логистика занжирлари узилши билан боғлиқ муаммолар изчил бартараф этиб боришмоқда. Шунингдек, инфляция импорти, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатарларнинг олдини олиш учун кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш янада кучайтирилди. Буларнинг натижасида фақатгина сўнгги беш йилда минтақа ичида товар айирбошлаш ҳажми икки баравар ошди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда транспорт логистикаси соҳасидаги кенг қўламли ишловлар яқин давр ичида ўз самарасини беради. Энг муҳими, бу соҳа нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизнинг иқтисодий салоҳиятини кескин оширишга катта ҳисса қўшади.



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

АНИҚ МАҚСАДЛАР БИЛАН

Янги Ўзбекистон — ислохотлар замини. Бугун маҳаллага эътибор, халқпарвар сиёсат самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

Жолдашевнинг ҳам ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажати қоплаб берилди. Олий таълим муассасаларида ўқитган Ситора Арпова, Абуабкар Сапарбоев сингари ёшларга эса контракт суммасининг 50 фоизига қисмини тўлашга кўмаклашилди.

асосида креатив лойиҳаларни амалга оширган. Жумладан, тумандаги фаолияти мобайнида сардорларни кашф этиш ва кўникмаларини ошириш мақсадида "Сардорлар мактаби"га асос солган.



ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТАМИЗ

— Қарордан асосий мақсад мамлакатимиз ёшларини тўлиқ қамраб олиш ва муваффақиятга эришишни таъминлашдан иборат.



манидаги 43-мактабни битиргач, Нукус олимпиада захиралари коллежида ўқиди. Ҳар бир йилнинг муқаддас буюри бўлган Ватан олдидаги мажбурияти — ҳарбий хизматни аъло даражада ўтади.

зал ва Муқаддас ҳозирги кунда ёввойи ўсимлик босиб ётган қаровсиз ерни тозалаш, фойдаланишга тайёр қилди. Улар бу ерга помидор экиш орқали ўз шахсий даромадига эга бўлди.

— Ҳозир маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолиятини давом эттирялман, — дейди у. — Бугунги кунда маҳаллаимизда 30 ёшгача бўлганлар 1905 нафарни, 18-30 ёшдагилар эса 855 на-



— дейди Дилдора. — Ёшлар етакчиси кўрсатган амалий ёрдам туфайли кредит олиб, ишли бўлдим. Маҳаллаимизда фойдаланилмай турган бўш бинодан бир хонасини олиб, тикувчилик цехи очдим.



шаффоф тарзда ташкил этилди. Ушбу вазифага номзод сифатида 42 минг 538 ёш ҳужжат топширди ва улардан 9 минг 309 нафари танлаб олинди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Маҳаллада ёшлар етакчилари билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Дилдора Имомова.



спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланиб, 7 карра Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони, 2 марта Ўзбекистон чемпионати совриндори, 1 марта халқро турнир совриндори бўлган. Айтганимиздек, Алишер ўзига ҳос дунёқарашга эга йигит. Унинг фикрича, инсонни билим камолга элтади.

Энди касбим ҳам, даромадим ҳам бор

Азамат Раҳмонкулов эндигина 19 ёшга кирган. У Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Минара маҳалласида яшайди. Азамат 2010 йилда тумандаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфида ўқишга қабул қилинган.

фарни ташкил этади. Мазкур ёшлардан 198 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлиб, уларнинг бандлиги, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, моддий кўмак кўрсатиш каби қўллаб-қўллаш масалаларида амалий ёрдам берилмоқда.

Акобир Саидкулов ишсизлар қаторида рўйхатга олинди, "Ёшлар дафтари"га киритилган. Денов туманида яшовчи 19 ёшли бу йигит олий ўқув юртида ўқиш орузида ҳужжат топширган, аммо омади чопмагач, хунар эгалашга бел боғлаган.

Мазкур маҳаллада имкониятлардан Ақобир сингари умумий фойдаланган ва ўз ишини бошлаган ёшлар қўллаб-қўллашди. Масалан, Дилдора Нарзикулова ҳам кредит олиб, тикувчилик цехини очди.

— Аваллари ишсиз эдим. Уйда бўш ўтирдим. Қўлимдан чеварлик келса-да, тикув дастохим йўқлиги боис, бирор иш қилолмасдим. Тикув машинаси сотиб олишга маблагим йўқ эди,

"Юрт қорига ярашдек истақ билан яшайман"

Гулистон шаҳри Тараққиёт маҳалласида 4 мингга яқин аҳоли яшайди, уларнинг 50 фоизи ёшлардир. Бугунги кунда маҳаллада ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ишларини қўллаб-қувватлаш, ташаббус ва истеъодларини юзага чиқариш борасида қўллаб-қўллаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Иш фаолиятини бошлаган илк кунларимданок мени ёшлар ишончли оқлай оламаним, деган савол кўтарилди, — дейди Дустон Эргашев. — Ёшлар кўзидеги ишонч ва ғайратни кўриб, улар билан юксак марраларга эришиш, биргаликда ҳаракат қилишни мақсад қилиб қўйдим.

— Ушим бир неча бор ҳокимиятга, турли идораларга мактаб қуриб беришларини сўраб мурожаат қилдим. Аммо эрта-индин деб, ортга суришдан нарига ўтишмади.

— Янги қурилган мактаб биносига қўйиб, кўзимиз тўймайди. Деярли ҳар кун келиб, айланиб кетаман. Бино ичидеги йўлақлар, синф хоналарини томоша қилиб, шўқрона айтаман. Бу масканда таълим олган ёшларнинг ўзларига, эртанги кунига ишончи ортиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда ўқув йили бошида умумтаълим мактабларида янги ўқув биналари фойдаланишига топширилиши эзгу аънаъанга айланган.

— Жорий ўқув йилида 38 та мактабда инвестиция дастури доирасида

ҳолатини ўрганиб, ёшларни қийнаётган масалаларга ечим изладим. Натижада моддий қийинчилик туфайли соғлигини тиклай олмаётган кишининг тиббий муолажа яилан боғлиқ харажатлари ҳал этилди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллардаги ёшлар етакчиларини келажакда улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, улар ўз олдларига қўйган аниқ мақсад, бор куч-ғайрати, билим ва салоҳияти билан кўзлаган чўққиларга эришади. Зеро, буюқ давлатни барпо этиш учун ақлидрокли, истеъодли, маънавиятли, юксак ахлоқли, келажакка ишонч билан қарайдиган малакали ёш кадрлар керак.

Гулсум ШОДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ТАРАДДУД

Ҳар йили ёзги таътил якунига этиши билан ҳамма жойда ўқувчилар мактабга ошиқса, бу ернинг болалари аксинча йўл тутаяди. Бири ўқишни истамаслигини айтса, бошқаси саломатлигидан шикоят қилади.

Бу йил тўртинчи синфга ўтган Элбек ҳам бобосининг эстагидан тутанча қандай қилиб бўлса-да, мактабга бормасликига уринади. Бугун қишлоқдаги хонадонларда бошланғичдан бу ташвиш ота-оналарни анча қийин ахволга солиб қўяди.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаби ҳам бор. Бу қишлоқнинг болалари ўқишни ёқтирмаганидан эмас, мактабнинг қишлоқдан анча олисда эканидан барча муаммо.

Янги ўқув йили бошланиши билан қишлоқ болалари яқин-атрофдаги тўртта мактаб томон ўқишга қатнайдди. Мактабларнинг энг яқини камиде етти километр олисда. Болаларнинг ҳар кун шунча йўл босиб мактабга катнаши осон эмас.

КЕЛАЖАК МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

дарсга ўз вақтида этиб боришнинг удрасидан чиқармасди. Ташвишнинг энг каттаси қиш-қировли кунларда бошланади. Қор-ёмғирли кунларда болалар мактабга боролмасди. Амаллаб бир кун бориб келган бола тоби қочиб, уйда қанча вақт ётиб қолади.

Қишлоқ оқсоқолларидан Нормўмин бобо шу муаммони орқалаб, тақилатмаган эшиги, ёзмаган жойи қолмади. Қандай қилса-да, мактаб қурдириб олишга ҳаракат қилди. Лекин охириги йилларда кексаллиги сабабми ёки эшикма-эшик юрaverиб чарчадимми, эътибор ҳам қилмай қўйди.

2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили қишлоқ аҳолиси учун қувончли келди. Боиси, одамларнинг дарду ташвиши ортга чекинди, янги мактаб қурилиши бошлаб юборилди.

Бу янгилик қишлоқ одамлари учун катта воқеа бўлди. Ҳамма хурсанд,



оғизларида фақат шу гап. Зеро, фарзандлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онани ўйлантиради. Уларнинг қўлай шароитда ва сифатли таълим олишини исташи табиий ҳол.

— Биласизми, бир умр ўзимизнинг мактабимиз бўлишини оруз қилиб яшадик, — дейди Нормўмин бобо Қурбонов. — Бир тасаввур қилинг: болангиз олти-етти километр масофадаги мак-

табга кетди. Қиш кунлари ташвиш баттар ошади. Қор-ёмғир, совуқ, Яна катта канал ёқалаб юриш керак. Бу пайтда ота-она уйда тинч ўтира оладими? Йўқ, албатта. Ҳоҳида ёш болаларимиз, набираларимизни елкамизда кўтариб олиб борардик. Дарсдан чиқшини мактаб эшиги олдида пойлаб вақтимиз ўтарди. Аммо бунга имкони йўқлар-чи? Боласини мактабга жўнатмасдан уйда олиб

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



## ИФТИХОР

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ ВА РУҲИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ТАРИХИЙ ҒАЛАБА МУБОРАК!

## Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида олтин медални қўлга киритган миллий терма жамоамиз аъзолари тантанали кутиб олинди



Бошланиши 1-бетда

Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов **“Мен шахматни фақатгина спорт ёки илм, ё санъат деб эмас, балки жуда катта тарбиячи деб ҳисоблайман. Шахмат, биринчи навбатда, инсондаги курашчанлик ва ғалабага ишонч руҳини тарбиялайди. Ундан кейин бу ақл гимнастикаси хатони кечирмайди. Бир жойда янглишсанг, мана ғалабага етдим деб турганингда ҳам озгина бепарволик мағлубиятга олиб келади. Шунинг учун шахмат жудаям адолатли ўйин. Аниқроғи, адолатнинг ўзи”**, деган эди бир суҳбатда. Ҳозир шуларни ўйлаб, икки Нодирбек, Жавоҳир ва Жаҳонгир, Шамсиддиндек истеъдодли, интеллектуал бўйдор йигитларимиз эришган ғалабага, иқтидорли қизларимиз забт этган марраларга катта адолат кучи замин бўлганини англаймиз.

Бу — **“Янги Ўзбекистон орзуси ва руҳи”** билан боғлиқ жараён. Гап шундаки, Президентимиз Янги Ўзбекистонни куриш ислохотларида, аввало, адолат кучига таяниш зарурлиги ҳақида доим қайғуриб келади. Бугун хар жабҳада, шу жумладан, спорт ва интеллектуал соҳада ҳам ана шу тамойил асосида иш қилина бошланди.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати янги босқичга олиб чиқилди. 30 июнь — Ёшлар кунини сифатида белгиланди. Президентнинг ёшлар билан учрашувлари мунтазамлик касб этди. Бу учрашувларда йигит-қизларнинг бугунги ҳаёти, орзу-уйлари ва ташаббуслари эшитилиб, уларга кенг йўл очилди. Мактабгача, мактаб ва олий таълим тизими тубдан ислох қилинди. Янги-янги спорт иншоотлари, ахборот технологиялари, ёшлар марказлари қад ростлади. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими яратилди. Хуллас, Ўзбекистонда ёш авлодга доир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни узоқ санаш мумкин.

Асосийси эса, бугун бу саъй-ҳаракатлар ёрқин натижалари билан рўёбга чиқмоқда. Янги Ўзбекистон ёшлари хар жабҳада тенгсиз ва иқтидорли эканини халқаро миқёсда бот-бот



исботлапти. Шахмат оламидаги шов-шувли ютуғимиз ҳам шундан далолат.

**Ғолиб шахматчиларимизни бағрига олган самолёт она заманимизга оҳиста кўнди. Тошкент халқаро аэропортида карнай-сурнай садолари янграйди. Бу ерда тайёрланган махсус майдонда музаффар ёшларимизни тақдирлаш маросими бошланди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, таниқли ижодкорлар, Олимпиада ғолиб ва совриндорларнинг ота-оналари, яқинлари, маҳалла ва ёшлар фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

**Давлатимиз мадҳияси янграйди. Шунда кенг замин ва соҳир само кўйини тўлқинлангандек туюлади бизга. Фахр ҳиссини туямиз.**

Тантанали тадбирда Президентимизнинг шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Ҳаяжонли дақиқалар. Президентимиз шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини давлат мукофотлари билан тақдирлагани эълон қилинади. Давлатимиз раҳбари Олимпиада чемпионоларига **“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони**, қизларимизга **“Келажак бунёдкори” медални** ҳамда уларнинг мураббийларига **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони** бериш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Саҳнага Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадаси давомида бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган ягона жамоа — Ўзбекистон шахматчилари тақдир қилинди.

Олимпиада ғолибларига Президентимиз совғаси — пул мукофотлари сертификати ва “Equinox” автомобиллари топширилди.

Тадбирда Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Янги Ўзбекистон ёшлари эришган тарихий буюк натижа мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган алоҳида

эътибор ва яратилган шарт-шароитлар, кенг имкониятлар махсули экани таъкидланди.

2021 йил декабрь ойида тезкор шахмат бўйича жаҳоннинг энг ёш чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторов **“келажакда шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келамиз”**, дея ишонч билан айтган эди. Бугун шу ният амалга ошиб турибди — шахмат тоқи Ўзбекистонда.

— Энг зўр олим, энг яхши шифокор, энг кучли спортчи... Ёшлиғида энг зўр бўлишни орзу қилмаган бола бўлмаса керак, — дейди шахмат бўйича Олимпиада чемпиони Нодирбек Абдусатторов. — Лекин ҳаммамизнинг ҳам орзуларимиз бирдек амалга ошавермайди. Чунки мақсадга эришиш



учун орзунинг ўзи камлик қилади, уни рўёбга чиқариш учун тинимсиз меҳнат қилиш керак. Шундагина муваффақият қўлга киритилади. Мен ҳам болалигимда орзу қилган энг кучли шахматчи бўлиш мақсадим йўлида тинимсиз изландим.

Айни пайтда биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилдик. Қутилган ғалабани қўлга киритдик. Албатта, орзу тўхтамайди, бирининг ушалиши ортидан бошқаси келаверади. Олдинда бизни катта чемпионатлар, шунга яраша тайёргарлик, ва албатта, улкан марралар кутиб турибди.

Жамоамизнинг ушбу муҳим ғалабаси Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига муносиб совға бўлди, деб ўйлайман. Бунинг учун ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиб бераётган, бугун бизга қутилмаган ва энг қадрли совғалар тақдим этган, давлат мукофоти билан тақдирлаган Президентимизга, барчамизни қўллаб, дуо қилиб турган халқимизга раҳмат айтмаймиз.

Бугун Ўзбекистон ёш шахматчилари эришган буюк ғалаба дунё оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда. Хусусан, **Буюк Британиянинг The Guardian наشري** шахматчи йигитларимизнинг бу ғалабасини юксак баҳолаб, ўзбекистонлик шахматчиларнинг аввалги ютуқларини ҳам келтириб ўтган. Шунингдек, 2026 йилда Бутунжаҳон 46-шахмат олимпиадасига Ўзбекистон мезбонлик қилишни алоҳида қайд этган.

Ҳа, албатта, бу каби ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Юқорида таъкидланганидек, унинг замирида давлат эътибори, машаққатли меҳнат ва мураббийлар маҳорати ҳам бор. Шу маънода,

Тошкент халқаро аэропортидан бошланган катта шахмат байрами юртимиз бўйлаб кўр олиши шубҳасиз. Бунинг ғолиб ва совриндор шахматчиларимизнинг ота-оналари, яқинлари нигоҳидан ҳам сезиш қийин эмас эди.

— Ота-она учун фарзандлар камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди Жаҳонгирнинг отаси Тоҳир Воҳидов. — Минг шукрки, ўғлим, аввало, Ўзбекистоннинг тарихий ғалабасига ҳисса қўшиб, қолаверса, мен эриша олмаган марраларни забт этиб, бизга ана шундай неъматни инъом этмоқда. Аслида, шахмат оиламизга бегона эмас. Узим,



Президентимиз шахмат бўйича миллий терма жамоамиз мураббийларини ҳам алоҳида эътироф этгани бежиз эмас.

— Иқтидорсиз бола бўлмайди, деган гапга ишонаман, — дейди шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Иван Соколов. — Гап ўша иқтидорни юзага чиқаришда. Хар бир ўсиб келаётган ёш бир ниҳолдир. Унинг барқ уриб ўсиши учун шакл бериш, шароит яратиш керак.

Ўзбекистонда бу борада, хусусан, шахматчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлашда дунё ҳавас қилса арзиғулик тизим йўлга қўйилган, барча зарур шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, миллийнинг “олтин фонди” яратилишида ҳам мамлакатда шахматни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар натижаси етибди. 2026 йилги Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши ҳам давлатнинг шахматга эътибори, рағбати ва бу ерда яратилган шароит тўғрисида, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, қадимдан шахмат ўйини ривожланган бу дунёда ақл чархи усталарининг “олтин фонди” етишиб чиқди. Айни дамда улар бутун дунёда тенгсиздир. Ўйлайманки, бу ёш авлод кейинги ўтказилаётган халқаро мусобақаларда ҳам Ўзбекистон номини дунёга танитишда давом этади.

Мураббийнинг гапида асос бор. Чунки экспертларнинг фикрича ҳам Ўзбекистонда ҳали Нодирбеклар, Жавоҳир, Жаҳонгир ва Шамсиддин каби кучли иқтидорли шахматчилар бир даврда, тенгдошу дўст бўлиб етишиб чиқмаган эди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ўзбек шахмати дунёни лол қолдиришда давом этаверади.

Шу ўринда Ченнайдаги Олимпиадада шахматчи қизларимиз ҳам муносиб иштирок этгани ҳеч биримизнинг эътиборимиздан четда эмас. Президентимиз шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўлаган табриғида, жумладан, шундай деди: **“Ўзбекистоннинг шахматчи қизлари ҳам ушбу халқаро мусобақада муносиб иштирок этиб, ўзларининг салоҳияти баланд эканини яққол намойиш қилдилар. Шу ўринда уларга ҳам чин қалбимдан тасанно айтман”**.

— Чемпионат мобайнида 8 та ўйин ўтказиб, 7 тасида ғалаба қозондим, — дейди Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирокчиси Афруза Ҳамдамова. — Тўғри, йигитларимиз каби Олимпиада чемпиони бўла олмадик. Лекин бу келгуси мусобақалар олдиндан биз учун яхши тажриба мактаби бўлди.

Насиб қилса, юртимизда ўтадиган 2026 йилги Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, йигитларимиз сингари дунёга ўзимизнинг салоҳиятимизни кўрсатамиз. Бунинг учун ишонч билан айтиётганим, Президентимиз бизни шахсан табриқлагани, бугун Тошкентда юксак эътироф билан кутиб олинганимиз бизга жуда катта мотивация, куч берди. Биз бу ишончнинг, албатта, оқлаймиз!

укаларим ва аёлим, бутун оиламиз билан шахматчиларимиз. Шунинг учун ҳам фарзандларимизда болалигидан “ақл гимнастикаси”га қизиқиш катта бўлган. Шахматчи сифатида Ўзбекистон ва Осиё чемпионолари совриндори бўлганман. Лекин бугунгидек натижага эришиш бизга насиб қилмаган. Биз орзу қилган ютуққа Жаҳонгир эришди.

Ҳиндистонда ўтган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига келсак, бутун мусобақани катта ҳақон билан кузатдик, шахмат руҳи билан яшадик. Айниқиб, яқиний баҳсини нафақат шахмат ихлосмандлари, балки бутун Ўзбекистон халқи, миллионлаб юртдошларимиз зўр ҳақон, ғалабага интиқлик ва умид билан кузатиб турди. Уғлимнинг, Ўзбекистоннинг ғалабаси учун дуода бўлди. Дунё нигоҳи қадалган ҳал қилувчи баҳсда Жаҳонгир нидерландиялик шахматчидан устун келиб, ғалабани қўлга киритганидаги қувончимизни бир курсангиз эди! Индивидуал натижалар бўйича олтин медални қўлга киритганини-чи! Буларни сўз билан ифода қилаб бўлмайди.

— Айни пайтда дунёда мендан бахтли она бўлмаса керак, — дейди хоразмлик Ёркини Рўзметова. — Чунки Ўзбекистон шахмат олимпиадаси ғолибига эришган тарихий чемпионоларда икки фарзандим — Нодирбек Ёқуббоев ва Нилуфар Ёқуббоева Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Нодирбек 5 ёшидан, опаси ҳам ёшлигидан шахмат ўйнашни бошлаган. Уларнинг илк мураббийи турмуш ўртоғим.

Фарзандларим билан фарҳанаман, шундай нуфузли мусобақада Ўзбекистон ёшларининг билими, иқтидори, салоҳиятини намойиш этиб, юзимизни ёруқ қилди. Бунинг учун, ёшларга имконият яратиб бераётган давлатимиз раҳбарига раҳмат. Президентимиз Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси чемпионоларига телефон қилиб, уларни табриқлагани, ютуғини эътироф этганидан кўзларимга ёш келди. Шу кунларга етказганига шукр!

Қаҳрамонларимизни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир чемпионоларга атаб ёзган шеърини ўқиб эшиттирди, таниқли санъаткорлар Ватан мадҳи тараннуми этилган қўшиқлар қуйлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов иштирок этди.

Мусаффо тонг ёришиб келади. Дийдор, соғинч ҳисси сўнмайди, кутловлар, эзу тилақлар тинмайди. Ҳа, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар эришган бу ғалабани ҳали кўп эслаймиз. Олдинда эса бизни навбатдаги ёрқин ютуқлар, ёрғу манзиллар кутиб турганига ишонамиз.

**Улуғбек АСРОРОВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-864.  
81651 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова  
Мусаффо: Умар Қодиров  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй